

## СОЯ ЕТИШТИРИШНИНГ БУГУНГИ КУНДАГИ АҲВОЛИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ

**Хамроева М. К.**

Денов тадбиркорлик ва педагогика институти, доцент

**Эргашева М. А.**

Денов тадбиркорлик ва педагогика институти 2-босқич магистр

### АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада бугунги кунда дунёдаги соя майдонлари, Ўзбекистонда соя экишнинг долзарблиги, экиладиган навлари, суғориладаган майдонларда етиштириш агротехникаси ҳақида маълумотлар келтирилган.

**Калит сўзлар:** соя, нав, гектар, экиш меъёри, суғориш, ҳосилдорлик, даромад, биологик азот, инокуляция.

### ABSTRACT

This article contains materials on the world-sown areas of soybean crops, the relevance of soybean crops in Uzbekistan, zoned varieties, agricultural techniques for cultivation on irrigated soils.

**Key words:** soybean, variety, yield, hectare, seeding rate, irrigation, cotton row spacing, efficiency, biological nitrogen, inoculation.

Соя ўсимлиги дунёда энг катта майдонларни эгаллаган экинлардан бири бўлиб, экин майдони 222 млн гектарни ташкил қиласди. 2016 йил дунё соячилигига Бразилия биринчи марта АҚШни қувиб ўтди ва 2017 йил бу давлат 106,9 млн. тона соя етиштирди, кейинги ўттиз йилда соячиликни ривожлантириди ва 33,3 миллион гектар майдонга соя ўсимлиги экилмоқда, ўртacha дон ҳосилдорлиги 31,4 центнер. Ишлаб чиқарилган ялпи дон ҳосили 220,64 млн. тоннага етди. Соя донини сотиб оловчи давлатлар ён қўшниларимиз Хитой, Корея ва бошқа Осиё мамлакатларидир. Шуни айтиш керакки, соя майдонлари ҳар йили ошиб бормоқда. Аслида экин майдонларининг ошишига сабаб демографик муаммолардан бири хисобланади.

Бизнинг республикамизда ҳам соя ўсимлигини етиштириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 июлдаги ПҚ-3144-сонли “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартағи ПҚ-2832-

сонли “2017-2021 йилларда республикада соя экини экишни ва соя дони етиширишни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги каби бир қатор қарорлар қабул қилинди. Буни 2020 йил 21 майда Андижон вилоятига бўлган ташрифда кўриш мумкин, вилоятда ғўза қатор ораларига соя экиш натижасида тупроқ унумдорлигининг ошиши, фермернинг қўшимча даромадга эга бўлиши ва озиқ-овқат захираларни янада кўпайишига олиб келади деб, бир қатор мисоллар келтиради.

Соя навларининг ҳосилдорлиги навларига ва экиш муддатига қараб ўзгариши. Эртапишар навлари 15-17 ц/га, ўртапишар навлари 28-32 ц/га, кечпишар навлари 35-40 ц/га ҳосил беради. Дунё бўйича (АҚШда) 112 центнергача ҳосил олишмоқда. Бошқа ўсимликлардан фарқли ўлароқ соя, бизиниг ўртача шўрланган тупроқларда ҳам яхши ўсиб ҳосил беради. Шунинг учун Қорақалпоғистон республикаси, Хоразм, Бухора, Қашқадарё ва бошқа вилоятларда экиш яхши самара берди.

**Экиладиган навлари:** Амего, Аманта, Славия, Олимпия навлари-эртапишар, дони пишиб етилиши учун 1800-200<sup>0</sup> С; ”Парвоз”, ”Узбекская-2”, ”Севинч”, Тайфун, ”Селекта- 302” нави- ўртапишар, пишиб етилиши учун 2200-2400<sup>0</sup> С ҳарорат талаб қиласи. Эврика- 357” ўсув даври 125-127 кун, ”Барака” нави кечпишар, ”Узбекская-6” нави ҳам 140 кунда пишиб етилади. Ушбу соя навлари билан биргаликда, ”Денов” ва ”Вавилов” нав линияларидан ўрганилмоқда. Денов нав линия устида уч йилдан бери индивидуал танлаш ишлари олиб борилмоқда. ”Вавилов” нав линияси эса, 2022 йилда Республика Нав Синаш Комиссиясига ўрганиш учун топширилди. ”Денов” нав линияси уруғлари питомникларда кўпайтирилмоқда ва ҳар йили тнав тозалаш ишлари олиб борилиб навниниг тозалиги бир хиллиги устида селекция ишлари олиб борилмоқда. ”Денов” нав линияси аслида сабзавот соя навлари гурӯҳига кириб, келажакда озиқ-овқат саноатида хом-дуккаклари яшил ҳолида териб олиниб консерва саноати учун хом ашё сифатида яратилмоқда.

Ўтмишдош экин сифатида энг мақбул экинлардан бири бўлиб, дехқончиликда алмашлаб экиш тизимида бир қатор вазифаларни ечишга мўлжаланган : масалан –агроэкотизимда энг мақбул ўтмишдош экин сифатида фойдаланиш; биологик азот қолдириши, тупроқда эримай қолган маъданли ўғитлардан фойдаланиши каби ижобий хусусиятлари жуда кўп.

**Ерни экишга тайёрлаш.** Соя навлари ёки нав линиялари учун ерни тайёрлаш комплекс агротехника тадбирларидан иборат бўлиб, баҳорда эса бир марта чизеллаб чиқиласи, кейин соя уруғларини экишдан олдин культивация қилиниб мола босилади, дала яхшилаб текисланади. Ер ҳайдалгандан кейин илдиз қолдиқлари КРХ-4 маркали культиватор, ВП-6 маркали борона ёрдамида

йифиб олиниб даладан чиқариб ташланади. Шундан сўнг дала 28-30 см. чуқурликда ҳайдалади.

**Ўғит бериш.** Маълумотларга кўра, кейинги пайтларда тупроқ таркибидаги чиринди (гумус) миқдори камайиб бормоқда. Соя тупроқ унумдорлигига ўта талабчан бўлмаган ўсимликлардан бири ҳисобланади.

Азотли ўғит етишмаса соя дони ҳосилдорлиги ўз-ўзидан камайиб кетади. Шунинг учун соя уруғларни экиш билан бир вақтда 30 кг соф ҳолдаги азотли ўғит берилади. Соя уруғлари инокулянтлар билан ишланмаса, гектарига тупроқ таркибига қараб 150-200 кг соф ҳолдаги минерал азотли ўғит берилади. Соя ўсимлиги 25 ц/га дон ҳосили бериши учун 200 кг азот, 50-60 кг фосфор, 50 кг калийли (соф ҳолда берилади).

**Уруғларни экишга тайёрлаш (инокуляция қилиш).** Соя экиладиган тупроқда туганак бактерияларнинг ҳаракатини активлаштириш ёки уларни ҳосил қилиш учун, ризобиум бактериялари билан уруғларни ишлаш керак, уруғлар аралаштирилаётганда уларга қуёш нури тик тушмаслиги керак. Бугунги кунда Ўзбекистонда ўзида нитрагин ёки тугунак бактериялар ҳосил қилувчи инокулянтлар йўқлиги сабабли ушбу биологик ўғитлар четдан келтирилади. Соя илдизларида туганаклар ҳосил бўлган жойнинг тупроғидан олиш лозим.

**Экиш муддати.** Соядан юқори ҳосил олишда муҳим агротехник тадбирлардан бири экишнинг оптималь муддатларини белгилаб олишdir. Баҳорда тупроқ ҳарорати 12-14°C бўлганда экиш лозим, бунда бирон бир худуд учун алоҳида бир санани кўрсатиб бўлмайди, чунки баҳорда оби-ҳавонинг иссиқ ёки совук келишига қараб экиш муддати белгиланади. Соя навларини экишга худудларда маккажӯхори уруғларни экиб бўлгандан сўнг экишга киришилса, жуда яхши муддат бўлади. Янги олиб борилаётган агротехникада соя уруғларни чигит билан бир вақтда экиш мумкин. Чунки бу ўсимликнинг ёш ниҳоллари совуқка ғўза майсаларига қараганда чидамли бўлади.

**Соя навларида экиш меъёри-** эртапишар, Генетик, Сочилмас, Славия, Олимпия навларида 80-90 кг, Орзу навида 75-80 кг, Парвоз, Фаворит, Сава, Нена, Фортуна, Эврика навларида 70-75 кг. Экишда маккажӯхори ва сабзавот сеялкалари билан экилади, Соя уруғлари йирик бўлса экиш меъёри ошади, уруғлар майда бўлса экиш меъёри камаяди. Экиш чуқурлиги 4-5 см, тупроқ қумоқ, енгил тупроқлар бўлса, 6 -7 см. уруғлар бироз чуқурроқ ташланади.

**Сояни сугориш.** Соя навларини сугориш навлари ва ер ости сувларининг жойлашиши чуқурлигига қараб белгилади. Сугориш меъёри 700-800 м<sup>3</sup>/га бўлиб шошилмай жилдиратиб намиқтириб сугорилади. Эртапишар навларни 3-4 марта, ғўза қатор орасида 2-3 марта, ўртапишар навларни 5-6 марта, кечпишар навларни 7-8 марта сугориш лозим. 2020 йилда Андижон вилоятида ғўза қатор орасида ва

кузги буғдойдан сўнг такрорий равишда соя уруғлари экилди ва яхши натижалар олинди. Сербия ва Россиядан келтирилган уруғлар пишиб етилди.

Соя навларидан олинадиган дон ҳосилдорлиги эртапишар навлар очик майдонга экилганда 15-17 ц/га, ўртапишар навлар баҳорда экилганда 25-27 ц/га ва кечпишар навлар 25-28 ц/га дон ҳосили бермоқда. Аммо дунёда рекорд соя дони ҳосилдорлиги 112 ц/га ташкил этади. Ўрганилаётган соя навларидан “Вавилов” нави ўзининг серҳосиллиги билан ажралиб турмоқда. Ҳозирча “Денов” навида кўк ҳолида дуккаклари териб олинганда ҳосилдорлик миқдори юқори, аммо қуруқ дони ҳосилдорлиги ўртапишар навлар билан деярли бир хил эканлиги маълум бўлди. Қайси вилоятда соя майдонлари кенгайсан паррандаларга, кўлларда етиштирилаётган балиқларга оқсилли озуқа ҳар йилгидан мўл бўлиш билан бирга, аҳоли жон бошига етказиладиган ўсимлик мойи мўл бўлади, чунки вилоятда ғўза қатор орасидан ва такрорий экин сифатида олинган соя донларининг бир қисми ёғ-мой заводларида қайта ишланади. Аммо ҳали республикада соячилик соҳасида қилинадиган ишлар жуда кўп, бу соҳа ўз фидойиларини ва олимларни, ҳақиқий фермерларни шаклланиши лозим, шу билан бир қаторда мамлакатда озиқ-овқат хавфсизлигини олдини олишда бу ўсимликка кўп нарса боғлиқ.

### **ФОЙДАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР: (REFERENCES)**

1. Ўз Р. Президентининг 2017 йил 14 март ПҚ-2832-сонли ва 2017 йил 24 июл ПҚ-3144-сонли қарорлари.
2. Губанов П.Е., Кольпина Н.А. Технология возделывания сои на орошаемых землях Поволжья и задачи на ее совершенствование. 2006.
3. Ёрматова Д. Соя агротехникаси. Тошкент. Фан ва технология. 2017.
4. Лукомец В.М.Проблемы совершенствования научного обеспечения соеводства в России. Сб . Итоги исследований по сое за годы рефор.и направления НИР на 2005-2010гг. Краснодар, 2004. С.3-6.
5. Мякушко Ю.П. Соя. Москва. Колос . 1983.231 с.
6. Турьянский А.В.Бахтин В.П, Шевченко Н.С. Соя на Бельгородчине. Сб . Итоги исследований по сое за годы реформирования и направления НИР на 2005-2010гг. Краснодар, 2004. С.213-217.